

**Бобур номидаги Андижон вилояти ахборот-кутубхона маркази
Ахборот-библиография хизмати**

Бир аср ҳикояти

Библиографик обзор



Андижон -2022



*Коинот гултожи инсондир азал,
Ундаидир энг олий тафаккур, амал.
У ҳатто тубанлик ичра ҳам танҳо,
Ё фалак, ижодинг бунча мукаммал.*

A. Орипов

Халқимиз беғубор кулгини ғоят яхши кўради, самимий ҳазил-мутойибага ҳамиша ташна. Қанчадан – қанча қизиқчиларимиз ажойиб ҳангомалар яратишган, сон-саноқсиз ичакузди латифаларимиз бор, номдор асқиячиларимиз тумонат давраларни гуррагурра кулдириб, серзавқ қалбларга табассум улашадилар.

Ҳажвий адабиётимизнинг йирик ва истеъдодли вакили Неъмат Аминов 1937 йил 17 июлда Бухоро вилоятининг Ромитон туманида темирчи оиласида таваллуд топган. Ўрта мактабни тугатгандан сўнг Файзулла Хўжаев номидаги Бухоро педагогика олий билимгоҳининг тарих-филология факультетида таҳсил олади.

Неъмат Анминов аввал Бухоро вилояти радиоэшиттириш комитетида мухбир, сўнг Шўро армияси сафларида хизматда бўлди.

У 1973 йилда Тошкент “Муштум” ойномасига ишга таклиф этилиб, ойномада 1985 йилгача маъсул котиб бўлиб ишлайди. 1989 йилда “Шарқ ўлдузи” ойномасида бош муҳаррир ўринбосари, сўнгра эса “Муштум” ойномасида бош муҳаррир лавозимида ишлаб келган.

Унинг дастлабки ҳажвияси 1965 йилда “Устоз, аълам?” номи билан “Муштум” ойномасида босилиб чиқкан. Адибнинг биринчи ҳикоялар тўплами “Икки пуллик обрў” унга шуҳрат келтирди. Шундан кейин ҳажвчининг “Қирқ учинчи почча”, “Лабиҳовуз ҳандалари”, “Жигари тўкилди”, “Тилла табассумлар”, “Чинорлар қўшиғи”, “Елкасиз полvon”, “Ўғри мушукча”, “Қаҳқаҳа”, “Яллама ёrim”, “Чолболанинг эртаклари” китоблари босилиб чиқди.

Неъмат Аминов устозлари Гафур Ғулом ва Сайд Аҳмадлар сингари ўз ҳажвий ҳикояларини оғзаки ҳикоялаш санъати устаси ҳамдир.

Неъмат Аминовнинг адабиётга ҳиссаси ҳақида гапирганда унинг “Ёлғончи фаришталар” деб номланган йирик сатирик асари биринчи бўлиб тилга олинади. Асар яхлит бир мақсадга қаратилган “Елизак” ва “Суварак” қиссаларидан иборат.

1987 йилда у ўзининг “Ёлғончи фаришталар” китоби учун Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Ойбек номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлган.

Неъмат Аминовнинг ҳикоялари рус, украин, белорус, тожик, туркман, озарбайжон, грузин тилларига таржима қилинган.

Ҳажвчи адиб Сайд Аҳмад, Саъдулла Сиёев, Анвар Муқимов, Анвар Обиджонлар қаторидаги ноёб истеъодод соҳиби сифатида ўзбек адабиёти сатира ва юморини ривожлантиришда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. Ана шу улкан хизматлари учун унга Ўзбекистон халқ ёзувчиси унвони берилган.

Неъмат Аминов. // Мирвалиев С. / Ўзбек адилари. – Тошкент : Фан нашиёти, 1993. – Б. 167-168.



Неъмат Аминов 1976-83 йилларда “Елизак” ва “Суварак” қиссалари асосида “Ёлғончи фаришталар ёхуд елизакфеъл ва суваракмижоз Баширжон Зайнишев ҳаётидан” ҳажвий романини яратди. Унинг ҳажвчилик ижоди адабиётда

ўзига хос миллий бўёқларга бойлиги билан ажралиб туради. Ижодига хос ҳалқчиллик “Бир аср ҳикояти” асарида яққол намоён бўлган. Аминов отасидан эшитган воқеалар ва ҳикматлар силсиласи асосида донишманд Шарқ кишисининг ажойиб образини яратди.

Неъмат Аминовнинг асарлари бир қанча хорижий тилларга таржима қилинган. Ҳажвчи 1999 йилда “Меҳнат шуҳрати” ордени билан мукофотланган.

Неъмат Аминов // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Тошкент : Давлат илмий нашиёти, 2000. – Б. 271.



Неъмат Аминовнинг биринчи ёзган ҳажвияларига нима туртки бўлган эди?. Шўролар даврида подшоҳлар тез-тез алманиб дабдабабоз, ваъдабоз, ёлғончи, порахўр раҳбарлар тахтга келган сари уларнинг оқаваси юқоридан қуиига оқавериб оддий фуқаро

таркибини бузиб юборарди.

Неъмат Аминов ўша йилларда уч-тўртта ҳажвия ёзиб “Муштум”га юборган эди, ярим йил ичида кетма-кет босилиб чиқди. “Муштум” мухаррири, жамоат арбоби Иброҳим Раҳим Неъмат Аминовни Бухорога ишга чақириб олади в а у бир неча йил маънавият ва маърифат маркази раҳбари сифатида фаолият олиб борди.

Унинг ҳажвиялари шарқ эртаклари услубида ёзилган бўлса-да, улардаги воқеалар ҳаммага таниш замонавий, кулгили халқчил латифалардан иборат эди. Уни ўқиган бола дастлаб эртак сифатида, вақт ўтиб улғайган сари, мазкур эртакларнинг асл мағзини чақиб, улардаги тарихий моҳиятга тушуна боради.

Абдулҳамид Абдуаҳад ўғли Ҳажсчининг виждони уйғоқ, ўзи таъмадан ироқ бўлиши керак : [Неъмат Аминов ҳақида] / Абдуаҳад Абдулҳамид ўғли // Маърифат. – 2002. – 3 авг.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Неъмат Аминовдан мерос бўлиб қолган асарлар тўғрисида ҳам айни шу фикрларни билдириш мумкин. Муаллиф қаламига мансуб ҳажвий романлар бугун муҳлислар томонидан севиб ўқилмоқда. Унинг мақсади одамлар лабидан табассум излаш бўлди. Ҳар бир табассумни худди тилло топгандек ён дафтарига ёзиб борди, асраб-авайлади.

Неъмат Аминовнинг кўплаб асарлари собиқ тузум мафкураси адабиётни, адабий жараённи бевосита бошқариб турган бир пайтда яратилган. Муаллиф мураккаб шароитда жамиятнинг энг оғриқли

муаммоларини қаламга олди ва уларни ҳажв тифи орқали маҳорат билан ифодалаб берди.

Адіб ҳаёт бўлганида 80 ёшини нишонлаётган бўларди. У киши яратган бадиий асарлар бугун маънавиятимизга хизмат қилаётгани бежиз эмас.

Айни кунларда мамлакатимизнинг етакчи нашриётларида адабнинг бир қатор асарлари қайтадан нашр этишга тайёрланмоқда.

Ёзувчининг умри унинг китобларида, яратган мукаммал образларида узоқ йиллар давом этади. Маҳорат билан яратилган асарлар йиллар синовидан бехатар ўтади, адабиётимизнинг янги-янги авлодлари учун ҳам маънавий-маърифий ҳамроҳ бўлиб қолади.

Адабнинг иккинчи умри:[Неъмат Аминовни хотирлаб] //Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 2007. – 20 июл.

Неъмат Аминов ўзининг сатирик жанрдаги “Елvizak” ва “Суварак” қиссалари билан кўп сонли китобхонлар қалбини забт этди. Ҳаётда турли тоифа кишилар учрайди. Уларнинг энг зўрлари, ибратлилари ҳақида бутун бошли қиссалар, романлар ёзилган. Аминовнинг қаҳрамони Баширжон Зайнишев-ҳаётда кам учрайдиган шахс. Баширжон асримизнинг 50-60 йилларида марказдан узоқроқ районда ишлаган, ўз замондошларидан тамоман фарқ қиласидиган, ўта содда, ўрни келганда муғомбир, ҳаддан зиёд довдир киши бўлган. Мақсади-унинг салбий томонларидан бегараз кулиш, бу билан айрим одамларни шу хил ярамас хислатлардан муҳофаза қилиш.

Неъмат Аминов “Елvizak”нинг довруғидан эсанкирамади, аксинча, китобхон ишончини оқлаш учун ғайрат билан ижод қила бошлади. Натижада “Елvizak”нинг давоми бўлмиш “Суварак” қиссаси яратилди. Бу асар севимли журналиниз “Ёшлиқ”да эълон қилиниб, ижобий маънодаги шов-шуввларга сабаб бўлди. “Суварак”да ҳам асосий қаҳрамон Баширжон Зайнишев эди.


Қиссани ўқиганда, асар қаҳрамони Баширжон Зайнишевни суваракка қандай алоқаси бор, деб ўйлаб ўтирмайди. У бутун қилмиши, яшаш тарзи билан қўзмизга шу суваракнинг ўзгинаси бўлиб кўринади.

Неъмат Аминов ҳар иккала қиссани бирлаштириб “Ёлғончи фаришталар” деб атади. Дарҳақиқат, Баширжон энг охирида “ўз елкасидаги фаришталар”га, атрофидаги ҳамтовоқ ва ҳомийларига ҳам ишонмайди. Ёзувчи Баширжон образини чизаркан, бир зум бўлсин унинг елвизакфеълу суваракмижозлигини синчков назаридан қочирмайди, унинг қилмишларини изчил позицияда туриб, кескин фош этади. Булар-ёзувчи ниҳоятда ўткир кўз билан танлаган, ёрқин бўёқлар билан моҳирона чизиб берган бадиий топилмалардир.

Бундай асар яратиш учун ёзувчидаги катта талант билан бирга фаол, курашчан виждони ҳам бўлмоғи керак. Неъмат Аминовнинг ана шу фазилатлари асар сахифаларида яна бир бор ярқираб кўринади.

Кулгига маҳкум этиб // Аминов Н. Ёлғончи фаришталар Тошкент : Фофор Гулом нашиёти, 1983. – Б. 318-319.

Ҳажвий адабиётимиз ривожига улкан ҳисса қўшган устоз адиб, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Неъмат Аминов "Икки пуллик обрў" номли илк китоби биланоқ муҳлислар эътиборини қозонган экан. Унинг "Ёлғончи фаришталар" ҳажвий романи ўзбек адабиётида ўзига хос воқеа бўлди. Адибнинг "Қаҳқаҳа" сайланмаси, "Бир аср хикояти" асари ҳам ўқувчилар томонидан илқ кутиб олинди. Сермаҳсул ижодкор ҳажвий ҳикоялар, роман ва қиссалар яратиш билан бирга Мольернинг "Сохта оқсуфк", Дерфашининг "Тирқиши", Сергей Михалковнинг "Думалоқ хат", Гориннинг "Сен киму мен ким?" каби комедиялари, Чехов, Зощенко, Азиз Несин каби ёзувчиларнинг ҳажвий ҳикояларини ўзбек тилига маҳорат билан таржима қилди.



Адибдан қолган бебаҳо мерос-сара асарлар адабиётимизнинг ютуғи ҳисобланади. Унинг умри асарларида давом этаверади.

Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджон айтганидек, иймонли инсон эди Неъмат ака. У киши халолликнинг нодир намунаси дир. Хатто салбий қаҳрамонларни ҳам худди кўнглини авайлаётгандек ҳақоратомузликдан йироқлашиб таърифлар эди. Унинг халоллик билан тутган қалами асло титрамади...

Айизов, А. Устоз меҳри :[умр ибрати] / Абдулла Айизов // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 2017. – 14 июль

"Оқсан дарё оқаверади", дейди халқимиз. Бухоро ҳам қадим, ҳам навқирон ўлка. Унинг бешигида улғайган зотлар жаҳон тамаддунига улкан ҳисса қўшишган. Уларнинг номлари нафақат бизнинг юртимида, балки бутун жаҳонга маълум ва машҳурдир.

Неъмат Аминов улуғ зотлар улғайган замин фарзанди. Шу маънода у ҳазрат боболарнинг меросларидан баҳра олган, руҳ олган, қувват олган ижодкордир.

Ҳажвий асарлар кўп. Улар инсонни кулдиради. Неъмат Аминовнинг ҳажвий асарларида ҳикмат мужассам. У одамларни шунчаки кулдирмайди, ўша кулги замирида ҳам бир ўгит ётганини тушуниш мумкин.

Неъмат Аминов адабиётимизнинг уўплаб намоёндалари билан ҳамнафас, ҳамфир бўлиб яшаган. Яхшиликлар қилган, яхшиликлар кўрган. Ўзбекистон халқ ёзувчisi Саид Аҳмад устоз сифатида Неъмат Аминовни ҳар доим қўллаб-қувватлагани, китобалри нашри масаласида кўмакчи бўлган, уни ҳамиша дуо қилиб юрган.

Устоз Абдулла Орипов шундай деган экан: "Неъмат Аминовнинг бир кўзида кулги, бир кўзида эса қайгу бор эди". Шундай экан Неъмат Аминовнинг истеъододига тан бермаслик мумкин эмас"...

Мажид Гайрат Ҳамиша эслаймиз Неъмат Аминни :[умр ибрати] / Гайрат Мажид // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 2021. – 24 сент.

Адабиётлари

1. Аминов, Н. Яллама ёrim : [ҳикоялар, ҳажвиялар, эртаклар, интермедиялар] / Неъмат Аминов. – Тошкент : Ёш гвардия, 1988. –192 б.
2. Аминов, Н. Чинорлар қўшиғи : [ҳикоя ва ҳажвиялар] / Неъмат Аминов. – Тошкент : Ёш гвардия, 1983. –176 б.

3. Аминов, Н. Тилло табассумлар : [ҳикоя ва ҳажвияла] / Неъмат Аминов. – Тошкент : Ёш гвардия, 1977. – 176 б.
4. Аминов, Н. Лабиҳовуз ҳандалари : [ҳажвий ҳикоялар] / Неъмат Аминов. – Тошкент : Ёш гвардия, 1973. – 95 б.
5. Аминов, Н. Қаҳқаҳа : [қиссалар ва ҳикоялар] / Неъмат Аминов.- Тошкент : Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987. – 352 б.
6. Аминов, Н. Қитиги ўлмаган қиз : [ҳикоялар, табассум учқунлари] / Неъмат Аминов. – Тошкент : Шарқ, 1994. – 112 б.
7. Аминов, Н. Бир аср ҳикояти : [темирчидан қолган тиллолар] / Неъмат Аминов. – Тошкент : Ўзбекистон, 1995. – 70 б.

*Тузувчи: АББ -Ўлкашунослик сектори
мудири Солиева Д.*